



# ЎЗБЕКНИСТОН

# ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокию» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 5 сўм

1993 йил 29 январь, жума

№ 21 (21375)



СУРАТДА: қабул пайти.

А. ЗУФАРОВ олган сурат. (ЎзА).

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

27 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Америка Қўшма Штатларининг Тожикистондаги элчиси, АҚШ давлат котибининг махсус вакили, Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш харакатининг раҳбари С. Эскудерага қабул қилди.

Жаноб С. Эскудера АҚШ ҳукумати Ўзбекистон раҳбариятининг Тожикистондаги вазиятни барқарорлаштиришда жафокаш тожик халқига кўрсатаётган инсонийлик ёрдамига юқори баҳолаётганини маълум қилди.

Қабул маросимида АҚШнинг Ўзбекистондаги факуллода ва мухтор элчиси Г. Л. Кларк ҳозир бўлди.

(ЎзА).

## «ЎЗБЕКНИСТОН ОВОЗИ» 75 ЁШГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ...

ЎЗБЕКНИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЕСИЙ ИЖРОИЯ ҚўМИТАСИНING ҚАРОРИ

### «ЎЗБЕКНИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНING 75 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси — «Ўзбекистон овози» ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ўрни тутади. У дастлаб, 1918 йил 21 июндан «Иштирокию» номи билан чиқа бошлаган. Газета ўз даврининг солномаси ва жарчиси бўлиш билан бирга кўп миллионли халқининг чинакам минбари бўлиб келди ва шу йўлдан собитқадамлик билан бормоқда.

Ўтган 75 йил мобайнида газета оммани маънавий бойитишга, ўзбек халқининг ўз тарихий, маданий меросини сақлаш, қадриятларини ҳурматлаш ва эъзозлаш ишига катта ҳисса қўлди. 1941—45 йиллардаги уруш даврида халқимизни умумий душманга қарши жангга чорлаб, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилди. Газета саҳифаларида таниқли давлат арбоблари, адибу олимларнинг ҳозиржавоб мақола ва бадиий асарлари чоп этилди.

Ўзбекистоннинг миллий истиқлолга эришиши, унинг дастлабки даврлари мураккаб вазифаларига ҳам газета лаббай деб жавоб берди. Айниқса, республика Президентини И. А. Каримов ва ҳукуматни олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат моҳитини, Ўзбекистон ХДПнинг дастурий йолларини аҳолига атоқлиқ таълуқини беришда «Ўзбекистон овози»нинг муносиб ҳиссаси бор.

Ана шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллигини тантанали нишонлаш мақсада мувофиқ, деб ҳисоблансин.
2. «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан ташкилий комиссия тузилиб, унинг таркиби тасдиқлансин. Ташкилий комиссияга 15 кун ичида газета юбилейини ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар режасини тузиш ҳамда уни юбилей даврида амалга оширишни таъминлаш топширилсин.
3. «Ўзбекистон овози» таҳририяти газета юбилейи муносабати билан унинг алоҳида хизмат кўрсатган журналистлари, фахрийлари ва фаолларини, шунингдек, газета чоп этиладиган босмахона ходимларини, ноширлар ва алоқачиларини давлат ҳамда ХДП Марказий Кенгаши мукофотларига тақдим этиш мақсада мувофиқ, деб топилсин.
4. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, Тошкент шаҳри ва вилоятлар кенгашлари «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллигига бағишланган махсус режалар тузиб, амалга оширилсин.

### ПРЕЗИДЕНТ И. КАРИМОВ ШВЕЙЦАРИЯГА ЖўНАВ КЕТДИ

28 январь кунини эрта тонгда Президент Ислам Каримов Давосдаги Жаҳон иқтисодий анжумани ишида қатнашиш учун Швейцарияга жўнав кетди. Тошкент аэропортида Президентни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Йўлдошев, Бош вазир Абдулҳошим Муталов ва бошқа расмий кишилар кутатиб қолдилар.

### ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАКУЛОДА ВА МУХТОР — БУЮК ЭЛЧИСИ

УБАЙДУЛЛА АБДУРАЗЗОҚОВ



Убайдулла Аббосович Абдуразақов 1932 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек, онали, икки ўғли, икки қизи ва набралари бор. У. А. Абдуразақов Тошкент давлат педагогика институтини битирган, тарих фанлари номзоди. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ишлар бошқаруви мудири, Наманган вилоят кенгаши ижроия қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси лавозимларида, кейинги даврда эса Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги бўлиб ишлаб келди.

Убайдулла Аббосович Абдуразақов Ўзбекистон Республикасининг бир неча ишон ва мукофотларига сазовор бўлган. У икки марта Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати этиб сайланган.

### © ШУ СОНГА ИНТЕРВЬЮ

## ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БУЮК ЭЛЧИ!

ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТУРКИЯ ЖУМҲУРИЯТИДАГИ БУЮК ЭЛЧИСИ, СОБИҚ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ, ЎЗБЕКНИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЕСИЙ ИЖРОИЯ ҚўМИТАСИНING АЪЗОСИ У. А. АБДУРАЗЗОҚОВ БИЛАН СУХБАТ

— Убайдулла Аббосович, сиз мустақил Ўзбекистоннинг биринчи буюк элчиси бўлдингиз. Айтингиз, сиз ундан мамнунми? У сизга қандай масъулият юқлайди? — Мен тақдиримдан гўнла миннатдорман. Мустақилликнинг дастлабки биринчи йилида мен ташқи ишлар вазирлиги ва нихот Буюк элчи бўлганим учунгина эмас, балки «Ўзбекистон ва жаҳон» солномасида бевосита иштирок этганим ва буюк ўғарилар кўз ўнгимда кетганлигидан ҳам бахтиёрман. Мен бугунги ҳукумат даврида икки марта вазир этиб тайинланган кишиман ва шу ҳукуматнинг ишончини оқлаш учун бундан кейин ҳам бутун куч-қудратимни, ақл-заковатимни сафарбар этишга ижорман.

(Давоми иккинчи бетда).

### АССАЛОМУ Алайкум, азиз муштарийлар, қадри ўқувчилар!

Ўзбек миллий матбуоти тарихида тамал тошини қўйган, бугунги кунда «Ўзбекистон овози» номи билан чиқаётган газета ўзининг муборак 75 йиллигини нишонлаш арафасида турибди.

75 йил! Бу — тарих учун катта муддат эмасдир, балки, Лекин, газета учун бу катта доvon, шонли, унутилмас давр!

Ўзбекистон овози» ўзининг илк ўмишдоши — «Иштирокию» номи билан 1918 йилнинг 21 июнида дунёга келди. Шундан сўнг газета: 1920 йил 12 декабрдан «Кизил байроқ», 1922 йилнинг сентябидан — «Туркистон», 1924 йилнинг декабидан — «Кизил Ўзбекистон», 1964 йилнинг 5 июнидан — «Совет Ўзбекистони» номлари билан ўқувчилар қўлига етиб борди. «Иштирокию»нинг дастлабки сонлари 800 нусхада босилган бўлса, асримизнинг 80-йиллар ўрталарида газетанинг бир кунлик тиражи 930 минг нусхага етди 1991 йилнинг 1 сентябидан бошлаб

газета «Ўзбекистон овози» номи билан юритилди.

75 йил! Бу — тарих учун катта муддат эмасдир, балки, Лекин, газета учун бу катта доvon, шонли, унутилмас давр!

Чиндан ҳам газета тарихий ҳужжат. Негаки, ҳеч қандай тарихий ҳужжат юрт тарихини газетачилик изчил ериги бера олмайдди, ўз бағрига муҳрдай олмайдди, десак муболага бўлмас. Газетанинг ҳар сони ҳаётимизнинг бир кунги манзараси, бир кунги овози, бир кунги юрак уриши. Саҳифаларда энг кичик ҳодисалардан тортиб буюк воқеаларга муҳрлиб қолади. Демак, газета воқеалар силсиласи, давр кўзгусидир.

«Ўзбекистон овози» бугунги кунда ҳам илгаридек тонг-саҳар зйёсидек шодон туйғуларини уйғотиб яшамоқда, мустақиллик жарчиси янглир халқ билан олға одим ташлаётти. 1993 йил учун ўтказилган обуна «Ўзбекистон овози»нинг аввалгидек яловбардор газета эканлигини яна бир исботлади.

75 йил! Бу — тарих учун катта муддат эмасдир, балки, Лекин, газета учун бу катта доvon, шонли, унутилмас давр!

Эътироф этишларича, газетанинг тўрт саҳифасини бир соатда ўқиб қўйиш мумкин. Бироқ, уни дунёга келтириш қийин. Бу ижодкор қалами, кўз нури, унинг сазй-ҳаракати, бетакдор сўзи, юрак ҳарорати туйғайли юзага келиши аниқ.

Газетанинг шонли тўйи арафасида унинг тарихини яратган, бу билан ўзларига улуг ҳайкал қўйган буюк инсонларнинг ҳар бирини фахр билан эслаймиз. Уларга қўллуқ қилиб, таъмин айтамыз.

Бугун мустақил дйеримизда «Ўзбекистон овози» газетасини юзага келтиришда раёт қамарини белган авлод ўз устозларидан қолшимай тер тўғишга интилоқдорлар. Ижодкорларнинг улуг ияти, қўллуқ мақсади ягона; газетанинг мундарижаси ва маъмуини янада бойитиш, уни халққа янада яқинлаштириш, чинакам халқ овозига айлантиришидир.

### ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

У. А. АБДУРАЗЗОҚОВНИ ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАКУЛОДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Убайдулла Аббосович Абдуразақов Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги факуллода ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 28 январь.

### ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ У. А. АБДУРАЗЗОҚОВГА ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАКУЛОДА ВА МУХТОР — БУЮК ЭЛЧИСИ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Уртоқ Убайдулла Аббосович Абдуразақовга Ўзбекистон Республикасининг факуллода ва мухтор — буюк элчиси унвоини берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 28 январь.

### ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

У. А. АБДУРАЗЗОҚОВНИ ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Убайдулла Аббосович Абдуразақов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасини ташқи ишлар вазирлиги вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 28 январь.

## ЎЗБЕКНИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЕСИЙ ИЖРОИЯ ҚўМИТАСИНING МАЖЛИСИ

27 январь кунини Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Марказий Кенгаш биринчи котиби М. Расулов шу йил 12—20 январь кунлари Хиндистон Республикаси Бош вазир, Хиндистон Миллий Конгресси (И) партияси Раиси Нарасимха Рао таълифига буюган Хиндистонда бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партияси делегациясининг сафарини ҳақида ахборот берди.

Мажлисида Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят ташкилотининг кўшпартиялик шарафига олиб бораётган оммавий-сиёсий ишлари муҳокама қилинди. Вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Х. Аvezов ушбу масала бўйича ҳисобот берди.

(Давоми иккинчи бетда).



Суратда: «Ўзбекистон овози»га турли йилларда раҳбарлик қилган, ҳозирда газетанинг фахрий муҳаррирлари (ўнгдан чапга) Сулаймон Азимов, Сиддиқ Ражабов, Иброҳим Раҳим, Зйед Есеибеов, Мақсуд Қориев, Лазиз Қюмов ва Расул Раҳмоновлар.

(Давоми учинчи бетда).







СЕИСТОН, ҚАНДАХОР ВА АФҒОНИСТОН МАМЛАКАТЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИШ ҲАҚИДАГИ БОШҚА КЕНГАШИМ

Хуросон мамлакатаи буйсундирилгандан кейин амирларим юқорида эслатилган уч мамлакатга лашкар юборайлик, деб маслаҳат бердилар. Мен дедимки, агар лашкарнинг ўзи билангина иш битмаса-чи? Унда ўзим боришим керак бўлади. Менинг мўлжаллаб қўйган бошқа ишларим кўп. Маслаҳатни шунда билдимки, ўша диёрлар ҳокимларини ўзимга оғдириб олиш учун «Агар менга қўшилсанглар [қўтиласизлар], курашсанглар йқиласизлар. У ҳолда тақдирингизда нима бўлса ўшани кўрасизлар, деган мазмунда хат ёздим. Бу тadbирим тақдирга тўғри келди. Ерлиғларим уларга етгани биланоқ итоат бошларини буйсунтиш мақомига қўйдилар.

1 Бу воқеа 1383 йили рўй берган.

ЎРУСХОННИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ВА ДАШТИ ҚИПЧОҚНИ БОСИБ ОЛИШДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

[Дашти Қипчоқ] хони Тўхтамин<sup>2</sup> хонлик талашиб Ўрусхондан енгилди, менинг паноҳимга қочиб келган эди. Унинг билан қўшин юборсамкин, ё ўзим борсамкин деб турганимда Ўрусхоннинг элчини келиб қолди. Кенгашиб, элчининг кўнглини овлаб [сўнг] кетшига рухсат беришни, ўзим эса Дашт томон юзланиб, элчининг кетидан лашкар жўнатишни мўлжалладим, токи элчи хотиржамлик билан бўлган воқеалардан Ўрусхоннинг мажлисида баён қилсин, эртаси куни менинг қўшинларим қўққисдан уларнинг устига бостириб борсин.

Уйлаганимдек иш тутгандим, тadbирим тақдирга тўғри келди. Ўрусхон элчини бўлган воқеаларни сўзлаб бераётган пайтда менинг қўрқмас лашкарим фавжлари ногаҳон келган балодек Ўрусхон устига ёпирилдилар. Ўрусхон қаршилик кўрсата олмай, қочишни ихтиёр қилди. Дашти Қипчоқ мамлакатаи менга буйсунди.

1 Ўрусхон — Жўчи наслидан; Оқ Урда хони (1361—1376), 1376 йил Ўрусхон Жўчи улусининг иккинчи қисми бўлиши Оқ Урда ва Олтин Урдадан бирлаштириши мақсадида қурғоқ чакрди. Қурултоқда Мангитхон (Мангит кишлоқ) амира, Тўйқожа ўғли Олтин Урда масаласида Ўрусхонга қарши билдиради. Натикада, катл этилади. Унинг ўғли Тўхтамин касос олиш ва Оқ Урда тахтини эгаллаш учун Амир Темирнинг қарбий ёрдами билан ички маротаба Ўрусхонга қарши жанг қилган, иккисидан ҳам енгилган. Лекин жангда Ўрусхоннинг ўғли Қўтлуб бўғони ўлдирган. 1376 йил баҳорда Ўрусхон ўғлининг хунини талаб қилиб, Амир Темирга Тўхтаминни топширишни буюради. Оқибатда, Амир Темирнинг ўзи ҳам қатнашган учинчи юришда, Ўрусхон ўлдирилди.

2 Тўхтамин — Жўчи наслидан; Оқ Урда хони (1376—1395). У 1376 йили Амир Темир хузурига паноҳ тобора келганда, Темир унга иззат-қиром кўрсатиб Утор ва Саброн вилоятларини тақдим этади ва Ўрусхонга қарши юришларини уни қўллаб-қувватлайди. Ўрусхон енгилгач, Тўхтаминни Дашти Қипчоқ ҳукмодори қилиб тайинлайди.

3 Бу жанг 1376 йилда бўлган.

33.

ГИЛОН, ЖУРЖОН, МОЗАНДАРОН, ОЗАРБАЙЖОН, ШИРВОН, ФОРС ВА ИРОҚ МАМЛАКАТЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИШ БОРАСИДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Ироқ аҳолисининг музафариёлар<sup>1</sup> ва турли тоифадаги ҳукмдорлар зулмидан шикоят қилиб ёзган аризалари қўлимга тушгач, Ироққа юриш тadbирини кўришга жазм қилдим.

Шу вақт хотирамга бу мамлакатларнинг подшоҳлари иттифоқ бўлиб, «менга қарши урушга кўтарилсалар-чи? Демак, жангга шай бўлиш лозим!» — деган фикр келди. Амирларим ҳам жанг қўлайлик деб маслаҳат бердилар. Ўзим эса буларни бирма-бир ром этган ҳолда буйсундириш, итоатга келмаганларини эса жазолаш лозим деган қарорга келдим.<sup>2</sup>

Менинг паноҳимга келган биринчи одам Мозандарон ҳокими Амир Али бўлди. У менга пешкаш-жўнатиб, мактубида «Биз ҳазрати Али авлодидан бўлган бир жамоамиз. Шу ерда қаноат қилиб кун кечираётимиз. Бу ерни олсангиз қувват кучингиз ортар, «Кечиб, юборишингиз тақвога яқинроқ ишдир», — деган гаплар битилган эди. Мен Мозандарон ҳокимининг бу мурожаатини яхшиликка йўйдим. [У ерни ўзларига қолдирдим] ва Гилон, Журжонга қараб йўл олдим. У ўлканинг ҳокимлари менга буйсунмагач, қаҳри қўшиним фавжларини уларнинг устига юбордим, ўзим эса Ироққа лашкар тортидим.

Исфаҳонни забт этдим. Исфаҳон аҳолисига ишонч билдириб, қалъасини ўзларининг қўлига топширдим. Улар бўлса исён кўтариб, мен тайинлаган доругани<sup>3</sup> аскарларимдан уч минг одам билан бирга тигдан ўтказдилар.

1 Музафариёлар — 1314 — 1393 йиллари Фарбий-Жанубий Эронни идора қилган сулола.  
2 Бу воқеа 1382 йилда содир бўлган.  
3 Куршон, 2-сура, 23-оят.  
4 Доруга — шаҳар ҳокими.

34.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ

75 ЙИЛЛИГИГА



Қиёс йўқ унинг, меҳри бир дарё,  
Ўхшаса — ўзига ўхшайди ўзбек.  
Бошқа элатларни билмадим, аммо,  
Дунёда болам деб яшайди ўзбек!

Бир қўлда беланчак, бирда Қуръон,  
Бир елкада кетмон, бирда имон.  
Ҳаммага баробар бир офтобсимон,  
Яшасин олам деб яшайди ўзбек.

Унта бўлса ўрни бошқа унинг-чун,  
Ўғлим — оташимдан яралган учқун.

ЎЗБЕК

Қизим — парилардан чехраси гулгун  
Қошлари қалам деб яшайди ўзбек.

Боболари қайси йигитлардан кам,  
Момолари хушрўй юздин ошса ҳам,  
Зурёдлари бўлса бутта уйга жам,  
Тўшак етмай, тўнни тўшайди ўзбек.

Эҳтиром этганда эҳромлари бор,  
Кеккайгага бошни эгмаган айнаҳор,  
Бешигда қанча ислонлари бор,  
Тош ўтмас қўрғонга ўхшайди ўзбек!

Мухаммад, ким бўлдинг қиёснинг топиб,  
Ўхшаса — ўзига ўхшайди ўзбек,  
Емон шера Ёсан ҳам бетингдан ўлиб,  
Кам бўлма, болам, деб яшайди ўзбек.

Мухаммад ЮСУФ.  
Рустам ШАРИПОВ олган сурат-навлар

ДАРДЛАРГА МАЛҲАМ БЎЛИБ

Ҳеч кимнинг бошига қор ёмасин экан, Мабодо, ёки қоп-ана шу Катрда юрнинг бўлини деганларидек, ога-инларнинг, елкадошларнинг қўй узатиб ҳамдардлик билдирса, оғиринг енгил бўлар, кўнгул тоғдек кўтарилар экан... Худди шу нарса ўзбеклар билан илдизти бир, иймон-эътиқоди бир тоникларнинг бошига кўндрат тушганда кўринатди.

Ҳалимлар қилгуликни қилиб, жуфтани ростилаб қолган шу кунларда бутун ўзбек халқи, Марказий Осиё аҳолиси бирдорларимизга ёрдамга келмоқда, кимларнингдир ғаддорлиги билан қаҳратонда оч-юпун қолганларнинг жонига ора қиришга ҳаракат қилмоқда. Кунги кеча Ўзбекистон Республикасининг байналмилал маданий марказида ўтказилган тadbир бу фикримизга ёрқин далил бўла олади. Юртимизда фаоллиқ кўрсатётган миллий маданий марказларнинг номдонлари, Қизил Ярим ой жамияти Марказий комитети, «Наврўз» хайрия жамғармасининг раҳбарлари, вазириклар ва давлат ташкилотлари, концернлар, уюмлар, йирик корхона ва заводларнинг ажиллари Тожикистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш Ўзбекистон жамғармасининг таъсис анжуманига йиғилдилар.

Тожикистондаги Бирдорлуқ йиғини бут ҳар бир кишининг қалбини ларзага солди. Рўй берган фожиа қанча оғир бўлмасин, қардошларимизга унинг жароҳатларини тезроқ тугатиш-да, чирогой ўчиб қолган хонадонларга қут-барак, фойз киритишда ёрдам беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз, — деди Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Марказий комитетининг раиси У. Воҳидова таъсис анжуманининг очар экан. — Узингизга маълум, Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Тожикистондаги учрашуви ҳам Тожикистон фожиасига алоҳида аҳамият берилади.

«Хабарингиз бор,— деди сўзга чиққан республика «Наврўз» хайрия жамғармасининг раҳбари Д. Екубова,— биз шарқ халқларининг азалий байрамидек «Наврўз» нишонлаётган кунларда тожикистонлик ҳамкасбларимиз билан узлуқсиз телекўрсатилар.

Қашқадарё вилоят прокуратураси «Ўзбекистон овози» рўзномасининг ўтган йил 11 октябрь сонидagi «Савдодаги ғавғолар» мақолисида баён этилган вилоят матбуот жамияти, Ўзбекистон давлат савдо уюшмаси, «Қашқадарё савдон вилоят ишлаб чиқариш концернига қарашли савдо дўконларида, омбухоналарда мудирилар томонидан савдо қондалари бузилишига йўл қўйилганлиги фактлари юзасидан текшириш ўтказди.

Косон матбуот жамиятига қарашли 7, 12, 13-савдо дўкони мудирилари Норқуллова Р., Исметуллаев Р., Абдуллаев У. савдо қондаларини бузиб, савдога чиқарилган молларга нарх ёрлиги қўймайдан савдо қилиб, бу борада вазирларнинг тегишли тарзда баъжармаганликлари учун ўз вазифаларидан бўшатилган, 14-савдо дўкон мудири Нормуродов ўз вазифасига яқинда тайинланганлиги ҳисобга олин-иб, унга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган.

Косон тумани «Наврўз» чакана моллар бирлашмасига қарашли 21-аралаш моллар дўкони мудири М. Жонқобилов икки харидор ҳақидан 19 сўм 25 тийин ортқича олиб қолганлиги, шу дўкондан 450 дона гўшти консервантинг ҳар қайсисини 24 сўм ўрнига 36 сўмдан сотганлиги, «Астра» сигарети ҳам ортқича нархда сотилганлиги факти юзасидан Косон районларо прокуратураси томонидан Жонқобиловнинг жиноий жавобгарлиги масаласини ҳал этиш учун вилоят давлат нэзо-

мизга тиббиёт ускуналари юборажяги, маҳаллий тиббиёт ходимларини бу ускуналарда ишлашга ўргатажяги айтилди. «Совластитал» кўшма корхонаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиаконпанисис, миллий маданий марказлар ҳам жамғарманинг оёққа туриб олишига ҳисса қўшадилар.

Булар дастлабки улушлар, холос. Бошқа корхоналар, тижорат ташкилотлари, фуқаролар ҳам савобли ишдан четда қолмаслар, деб ўйлаймиз. Шу мақсадда Тожикистон халқларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш Республикаси жамғармаси Тошкент шаҳрининг педагогика кўчасидаги 30-йўлда жойлашган, МҲО 172627328 Ўзбекистон саноат қурилиш банкнинг Тошкент бўлимида 000700235 рақами ҳисоб очилганини маълум қиламиз.

Таъсис анжуманида Тожикистон халқларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш Ўзбекистон жамғармасининг бошқаруви ва унинг раиси сайланди. Республика Қизил Ярим ой жамияти марказий комитети раисининг ўринбосари А. Фуломов жамғарма раиси бўлди.

Б. АБДУЛЛАЕВ, [У.А].

Қаландаров, Мейлиева, Мухаммадиев, Самадов, Турдумуродов, Худойбердиева, Эшбо-боеваларнинг савдо қондаларини бузганликлари тўғрисидаги материаллар туман прокуратурасига ёки ички ишлар бўлимига тақдим этилмаган. Бу материалларни туман прокуратурасига тақдим этиш юзасидан алоқа хати юборилди.

«Бахт» савдо дўкони мудири Уринов Э.га нисбатан, яъни у шакерни харидорлардан яшириб савдо қондаларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖКсининг 177-моддаси 4-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилган. Халқ судининг ҳукмига бйноан у 3 йил муддатга шартли равишда озодликдан маҳрум этилиб, мажбурий меҳнатга жалб этилган.

Кўкдела матбуот жамияти 41-савдо дўкони мудири Байкуватов Қаршобий шу матбуот жамияти ҳайъатининг 1992 йил 16 октябрдаги қарори билан ўз вазифасидан бўшатилган. 1-савдо дўкони мудири Давлатов Ж.га қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган.

Ўз навбатида вилоят прокуратураси мақолада номлари кўрсатилган туман прокурорларига қонун бузилишига йўл қўйган савдо ходимларининг ҳаракатларига юридик баҳо бериш, у қонун бузилишининг олдини олиш юзасидан қатъий чоралар кўришни топширди.

Б. АНВАРОВ, Қашқадарё вилоят прокуратураси ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ҲАМ ОҚИЙСИЗ:
• «Кўёш йўли Осиёдан бошланади ёки жаноб А. Соколянскийга жавоб».
• Қашқадарё: божхона қонунсизлик йулини тўсади.
• Хосият Бобомуродова ижодхонасида.
• «Нонинг ўқини, уруш»: ўзбекистонлик 34 минг жангининг қабрини излаб топган савобчи изтироблари.

Ўзбекистон овози
ХАРЧИННОМА
Мулкчиликнинг барча шаклидаги ташкилотлар, корхоналар ҳамда манфаатдор шахслар эътиборига!
ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ МАРКАЗИ
замонавий техника воситалари базасида қуйидаги имкониятларни
ТАКЛИФ ЭТАДИ:
— юқори сифатли телевизион дастурлари билан алмашишни ташкил этиш, шунингдек,
— Тошкент шаҳридан тортиб, ўз худудда «ИНТЕЛСАЛ» йўлдош алоқаси станциясига эга бўлган барча хорижий мамлакатларга тегишли каналларни ижарага олиш.
Маълумот учун телефонлар: 44-37-55, 44-04-19
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 28, Тошкент халқаро электр алоқаси маркази.

«АРМАЛЛ» ФИРМАСИ
Москвадаги омборидан арзон баҳоларда
— шоколад (Швейцария, Франция);
— пардоз суви (Франция) ва бошқа халқ истеъмоли молларини
СОТАДИ
Шартнома бўйича сизга зарур бошқа молларни ҳам етказиб беради.
Кўнгирик қилинг: (095) 244-79-83.

ЎТГАНЛАРИНИНГ ОХИРАТИ
ОБОД БЎЛСНИ
Тошкент минерал сув шифохонаси матмурияти қасбав уюшмаси ташкилотчи Улуғ Ватан уруши натижалари, кекса шифокорлар
Мурод АРАБОВЕВ
Ҳамда
Нигмат АБДУЛЛАЕВларнинг вафот этганликлари муносабати билан уларнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдирилди.
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махус таълим вазирилиги ҳайъати Фаргона Давлат университети проректори, профессор
Алимардон АБДУЛЛАЕВОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ёру бирдорларига чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖОМОАТИ
Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
РЕДАКЦИЯЛАР Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80; 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43; 32-53-16; Вилоят муҳбирлари билан ишлаш — 33-12-16; 31-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36; 32-54-35. Котибият — 33-72-83; 32-53-06, Аҳборот — тижорат хизмати — 32-54-14. Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда—4-48-85, Бухорода—3-96-12, Гулистонда—2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида—3-25-79, Наманганда—6-54-11, Нукусда—2-42-62, Самарқандда—35-22-90, Урганчида—6-72-60, Фарғонада—6-97-89, Термизда—2-23-04, Тошкентда: шаҳар бўйича 33-76-04. Вилоят бўйича 32-26-70.
Навбатчи муҳаррир: А. РУЗИЕВ.

Бирорта ҳам хат редкция эътиборидан четда қолмайди.
Эълонлар кечиктирмай чоп этишга ифолат берилди.
Кўлэмалар ҳажми чегараланмайди.
Газетанинг босилиш сифати ҳақида эътирозини куйидаги телефонга маълум қилишнинг мумкин: 33-34-48.